

«ТАСДИКЛАЙМАН»
Республика шошилинч тиббий ёрдам
илмий маркази Жиззах филиали
директори Ф.Н.Норкузиев

« 11 »

2022 йил



Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг
иссик овкат етказиб бериш аутсорсинг хизмати юзасидан энг яхши
таклифларни танлаш буйича харид килиш хужжатлари

Жиззах шаҳри 2022 йил

МУНДАРИЖА

- I Боб. Иштирокчига кўрсатма
- II Боб. Танлашнинг таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми
- V Боб. Шартнома шакли

I БОБ. ИШТИРОКЧИГА КЎРСАТМА

A. Умумий маълумот

Танлаш предмети
Мазкур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар
Танлаш комиссиясининг вазифалари
Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазифалари
Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари
Танлаш доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

Б. Танлаш ҳужжатлари

Танлаш ҳужжатининг таркиби
Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш
Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

В. Танлаш ҳужжатларини тайёрланиши

Танлашда қатнашиш харажатлари
Танлашда қўлланиладиган тил
Танлаш таклифини ташкил килувчи ҳужжатлар
Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш
Муқобил таклифлар
Танлаш таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

Г. Танлаш таклифининг топширилиши ва очилиши

Танлаш таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш
Танлаш таклифларини топширишнинг охириги муддати
Танлаш таклифларининг очилиши

Д. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш
Таклифларнинг мос келмаслиги

Е. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш
Тўлов шартлари
Шартномани имзолаш

II. БОБ. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Танлаш предмети

Танлаш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонуни, 2020 йил 10 январдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида»ги Низоми давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига асосан амалга оширади.

Танлашни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Танлашни ўтказиш онлайн усулда бўлиб, маблағ манбаси: Бюджетнинг ғазначиликдаги тегишли шахсий ғазна ҳисоб варағидаги маблағларидан ажратилган Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг иссиқ овқат етказиб бериш аутсорсинг хизмати юзасидан энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш кўзда тутилган.

2. Тўлов шартлари: шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдорида олдиндан тўловни амалга оширилади ва товар етказиб берилганидан (иш бажарилганидан, хизмат кўрсатилганидан) сўнг қолган 70 фоиз тўлаб берилади.

Товар (иш, хизмат) нархи учун жавобгарлик давлат буюртмачисининг зиммасида бўлади.

Танлашга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшилган қиймат соғлиғи билан.

Ишлар танлаш ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

2. Мазкур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Маблағ манбаси: Бюджетнинг ғазначиликдаги тегишли шахсий ғазна ҳисоб варағидаги маблағлари ҳисобидан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг иссиқ овқат етказиб бериш аутсорсинг хизмати юзасидан энг яхши таклифларни танлаш бўйича етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш бўйича танлаш (кейинги уринларда танлаш) ўтказишдан мақсад мазкур танлаш ҳужжатлари талаблари асосида харид объектини етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлаш ўтказиш тартиби – уч босқичли.

Буюртмачи: - Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали

Манзили: Жиззах шаҳар, Тошлоқ маҳалласи, Шифокорлар кўчаси 1 уй

3. Танлаш комиссиясининг вазифалари:

- танлаш ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;
- белгиланган тартибда танлашни ўтказди;
- танлаш талабгорларига тааллуқли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- танлаш ўтказиш санасини белгилаш;
- билдирилган таклифларнинг (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг) расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;
- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишда нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва ҳолисликка ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига катъий риоя қилиш;
- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда

тутиш;

-ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

Танлашнинг ташкилотчиси - Харид комиссияси котиби. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

-танлаш ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

-танлаш ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг <https://etender.uzex.uz/> порталида эълон беради;

-тижорат таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлаш комиссиясининг вазифалари:

-иштирокчиларнинг танлашга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва қўриб чиқади;

-энг яхши танлаш нарх таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қилади.

Иштирокчи - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлаш талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Иштирокчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

5.1. Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

5.2. Танлаш иштирокчиларининг малакали танлаши Танлаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлаш иштирокчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги юзасидан ҳужжат;

-юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлаш талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси, агар лицензияланадиган фаолият турига кирадиган бўлса.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлаш эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши ва асосий бенефициар мулкдорлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши шарт.

Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси таклифларни танлаш бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

5.3. Иштирокчи танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

5.4. Танлашда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлаш ғолиби – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танлашда энг яхши таклифни таклиф қилган танлаш иштирокчиси.

Захирадаги иштирокчи – танлаш ғолибидан кейинги ўринда турган энг яхши таклифни таклиф қилган иштирокчи.

5.5. Танлашга қуйидаги иштирокчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита миждознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки хариддорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;
- иштирокчи қонунга ҳилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

6. Танлаш доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқиши, уларнинг танлаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлаш тартиб-қоида­сига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлаш комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ш БОБ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

7. Танлаш ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлаш иштирокчиси унга берилган танлаш ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлаш ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

8. Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Иштирокчи танлаш ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлаш комиссиясига ёзма равишда му­рожаат қилишлари мумкин:

8.2. Танлаш комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлаш таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча иштирокчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

9. Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин танлаш комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

IV БОБ. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Танлашда қатнашиш харажатлари

10.1. Танлашда иштирок этиш ва танлаш ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар иштирокчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Танлаш таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлаш комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган босқичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

11. Танлашда қўлланиладиган тил

11.1. Иштирокчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

12. Муқобил таклифлари

12.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

13. Танлаш таклифларини топширишнинг охириги муддати

13.1. Иштирокчиларнинг танлаш таклифлари электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5 иш кундан кечикмасдан электрон жойлаштирилади (шанба, якшанба дам олиш куни этиб белгиланади).

V БОБ. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҲОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

14. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ҳолибларни аниқлаш

14.1. Танлаш комиссияси танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлаш комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

14.2. Танлаш таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;

- тижорат.

14.2.1. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида Танлаш комиссияси танлаш иштирокчисидан унинг танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

14.2.2. Иштирокчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлаш таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб

беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлаш таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

14.3. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

14.4. Танлаш таклифларини қараб чиқиш муддати 10 кундан ошмайди.

15. Таклифларнинг мос келмаслиги

15.1. таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини қўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиклик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиклик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қилади.

15.2. Танлаш қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танлаш таклифларини такдим этишнинг энг охириги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлаш таклифлари танлаш ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофик бўлмаса;

барча танлаш таклифларида танлаш ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча иштирокчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса.

15.3 Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлаш иштирокчиларидан бирон-бирининг мулкӣ ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

VI БОБ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ

Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби

1.1. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар талаб қилинган маҳсулотлар учун нархларини ўзларинг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди. Барча талаб қилинган хизматлар учун эҳтиёт қисмлар “Хизмат кўрсатувчи” ташкилот томонидан тўлиқ қопланади.

1.2. Маҳсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан танлаш, солиқлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар қўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган танлаш таклифлари танлаш савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

2. Танлаш валютаси

2.1. Танлаш таклифлари сумда (мисол учун: *Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сумда*) тақдим этилади.

3. Етказиб бериш шартлари ва муддати

3.1. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати ун кун деб белгиланади.

4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали

4.1 Олдиндан тўлов қонун ҳужжатларида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5. Шартномани молиялаштириш манбаи

5.1. Бюджет маблағлари ҳисобидан

Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома қонунчилик ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мос бўлиши лозим.